

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАРУРАТИ

Умурзаков Баходир Хамидович<sup>1</sup>,  
Вохидова Меҳри Хасановна<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Тошкентдаги Плеханов номидаги Россия давлат  
университети Иқтисод фанлари доктори, профессор

<sup>2</sup> Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети  
доктаранти

[mehrivoxidova@gmail.com](mailto:mehrivoxidova@gmail.com)

ID [orcid.org/0000-0003-0809-0269](http://orcid.org/0000-0003-0809-0269)

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2017-6-6-4>

Ушбу илмий мақолада Марказий Осиё интеграциясини ташкил этишнинг зарурати, унга тўсқинлик қилаётган омиллар ва уларнинг даражалари, Ўзбекистон учун ушбу интеграциянинг фойдали жиҳатлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий интеграция, Марказий Осиё, ялпи ички маҳсулот, ташқи қарз, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот, тадбиркорлик, халқаро савдо, экспорт.

## НЕОБХОДИМОСТЬ СОЗДАНИЯ ЦЕНТРАЛЬНО- АЗИАТСКОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ИНТЕГРАЦИИ

В данной научной статье раскрыта необходимость создание интеграции в странах

Центральной Азии, факторы, которые препятствуют этому процессу и уровень их интеграции, а также выгодные аспекты этой интеграции для Узбекистана

**Ключевые слова:** экономическая интеграция, Центральная Азия, валовой внутренний продукт, внешний долг, валовой внутренний продукт на душу населения, предпринимательство, международная торговля, экспорт.

## REQUIREMENT OF ORGANIZATION OF ECONOMIC INTEGRATION OF CENTRAL ASIA

This scientific article reveals the need to create integration in the countries of Central Asia, the factors that impede this process and the level of their integration, as well as the beneficial aspects of this integration for Uzbekistan

**Keywords:** economic integration, Central Asia, gross domestic product, external debt, gross domestic product per capita, entrepreneurship, international trade, exports.

Мамлакатимизнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” да кўрсатилгандек “халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишини давом этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш” мамлакатимизнинг дунёнинг иқтисодий интеграциялашув жараёнларида фаол иштирок этишини назарда тутди.

Жумладан, Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий фаолияти ривожланишида Марказий Осиё мамлакатларининг ҳам ўрни катта.

Марказий Осиё этник, тарихий, диний ва маданий илдизлари тарихан туташиб кетувчи

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон сингари мамлакатларни ўз ичига оловчи ҳудуд.

Ушбу ҳудуд сўнгги йилларда Россия ва Марказий Осиё олимлари орасида муҳокамага асос бўляпти. Бунга асосий сабаб ҳудуддаги мамлакатлар орасида иқтисодий интеграциялашувнинг силжимаётганидир.

Марказий Осиё(МО) иқтисодий интеграциясини ташкил этиш тўғрисидаги келишувлар 1994 йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро савдо келишувларидан бошланган эди. Кейинчалик бу келишувга Тожикистон ва Қирғизистон ҳам ўз розилигини билдирган. Аммо Россиянинг ушбу келишувга жалб қилиниши бу интеграциялашувнинг бошқа тус олиши, яъни Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига айлантирилиши билан якун топди.



Аmmo бир муаммо ҳам борки, бу МО да иқтисодий ва савдо алоқаларининг ривожланишига таъсир қилади. Бу Марказий Осиё мамлакатлари орасида дуализмнинг ривожланганлиги.

- Ўзбекистон ва Қозоғистон;

- Россия ва Хитой;
- Географик дуализм

Марказий Осиё мамлакатларининг интеграциясида ғов бўлаётган асосий муаммолардан биридир. Яъни, Марказий Осиёдаги икки лидер Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг иқтисодий ривожланиш даражаси, иқтисодиётнинг либераллашганлик даражаси, қишлоқ хўжалигининг ва ишлаб чиқаришнинг, аҳоли яшаш даражасининг кўрсаткичлари ҳудуддаги устунликка эга ва улар бу даражада рақобатчи ҳисобланади.

Марказий Осиё стратегик ҳудуд бўлганлиги, табиий ресурслар ва энергия манбаларига бой бўлгани, арзон ишчи кучи манбаи бўлганлиги сабабли, бу ҳудудга Россия ва Хитой сингари гегемон мамлакатларнинг диққати қаратилган. Жумладан, Қозоғистон ва Тожикистон иқтисодиётида Россиянинг, Қирғизистон иқтисодиётида Хитойнинг таъсири юқори эканлиги, ҳеч кимга сир эмас.

Географик дуализм ҳудуддаги трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш жараёнида намоён бўлади. Жумладан, МО мамлакатларида 150 куб км ҳажмдаги ер усти сув ресурслари мавжуд бўлиб, шундан 45,6% Тожикистон, 27,2% Қирғизистон, 19,3% Қозоғистон, 6,0% Ўзбекистон ва 1,9% Туркманистон улушига тўғри келади. Қирғизистон ва Тожикистон томонидан сув ресурсларининг тўсиб қўйилиши, Роғун ГЕСининг қурилиши қўшни мамлакатларда сув танқислиги муаммосини келтириб чиқармоқда.

Шу нарса ҳам эътиборга лойиқки, ҳудуддаги ҳар бир мамлакатнинг ўз усулида “яшаб қолишга” уриниши интеграцион жараёнларнинг тезлашишига тўсқинлик қилмоқда. Ўзбекистон томонидан интеграцион жараёнларни тезлаштириш ташаббуси

бўлган бўлса ҳам, бу фақатгина икки томонлама келишувлар билан чегараланмоқда, холос.

Ушбу илмий изланишнинг асосий мақсади МО иқтисодий интеграциясига тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар бериш.

Биринчи муаммо.

Ҳудуддаги мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг турли хиллиги.

Жумладан, ушбу кўрсаткич бўйича жорий нархларда 1-ўринда Ўзбекистон, 2-Қозоғистон, 3-Туркманистон, 4-Тожикистон, 5-Қирғистон турибди. Фақат Ўзбекистонгина бир текис ривожланиш тенденциясига эга. Ушбу кўрсаткич бўйича Қирғизистон Ўзбекистондан деярли 7 мартаба орқада қоляпти. Ушбу таҳлилни ЯИМнинг аҳоли жон бошига кўрсаткичини ҳам таҳлил қиладиган бўлсак:

МО мамлакатлари орасида Ўзбекистон аҳоли сони ва унинг ўсиши бўйича илк ўринда, шу сабабли ҳам ЯИМ нинг аҳоли жон бошига улуши Ўзбекистонда минтақадаги Қозоғистон ва Туркманистондан кейинги учунчи ўринда.

Жаҳон банки прогнозларига кўра минтақа аҳолиси 2017 йил сўнгига қадар 70 миллион кишини ташкил этиши мумкин. Бу кўрсаткич ҳам, албатта, Ўзбекистоннинг улуши минтақадаги аҳолининг деярли ярмини ташкил этади, деганидир. Аҳолининг кўпайиши бу қўшимча иш жойлари, ижтимоий ҳимоя деганидир.

1-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларида аҳоли сони(2016-  
йилнинг 1-январ ҳолати)\*

---

\* <http://www.populationpyramid.net/>

	Мамлакат	Аҳоли сони†
1	Ўзбекистон	30,690
2	Қозоғистон	18,064
3	Қирғизистон	6,124
4	Тожикистон	8,858
5	Туркманистон	5,502

Иккинчи муаммо.

МО мамлакатлари ташқи қарзининг юқорилиги, иқтисодиётининг ташқи дунёдан белгиланиши. Қозоғистонда бу кўрсаткич ҳудуддаги энг катта 155,6 млрд.АҚШ долларини ташкил этиши. Шундан 8,6 млрд.доллар банк секторининг, 11,2 млрд доллар давлат тармоғининг қарзи ҳисобланади. Тўғридан-тўғри инвестициялар бўйича давлат қарзи 81,6 млрдни, бошқа инвестициялар бўйича 54,2 млрд долларни ташкил этади. Аҳоли жон бошига қарз ҳажми 8805 доллардир. Қозоғистоннинг асосий кредиторлари Нидерландия, Буюк Британия ва Хитойдир.

Мамлакатнинг ташқи қарзи унинг савдо баланси дефицитидан далолат беради. Одатда, давлат ташқи савдодаги дефицитини ёпиш мақсадида қарз олишга мажбур бўлади. Қозоғистонда эса давлат аҳамияти эга банклар қарзининг давлат томонидан қафолатланиши натижасида давлат қарзлари юзага келган.

Тожикистоннинг асосий кредитори Хитойнинг “Exim Bank”, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки ҳисобланиб, аҳоли жон бошига қарз миқдори 237 долларни ташкил этади.

Қирғизистоннинг асосий кредиторлари Хитойнинг экспорт-импорт банки, Жаҳон банки ва

† <http://www.populationpyramid.net/>

Осиё тараққиёт банки ҳисобланиб, аҳоли жон бошига қарз миқдори 575 долларни ташкил этади.<sup>‡</sup>

Ўзбекистонда ташқи қарз аҳоли жон бошига қарз миқдори 446 АҚШ долларини ташкил этади. 2017 йилда ташқи қарз ҳажми 519, 79 миллион долларни ташкил этади.<sup>§</sup>

1-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи қарзи(млрд.доллар)\*\*

	Мамлакатлар	Ташқи қарз(млрд.доллар)
1	Ўзбекистон	13,7 <sup>††</sup>
2	Қозоғистон	155, 6
3	Қирғизистон	3. 4
4	Тожикистон	2, 05
5	Туркменистон	Маълумотлар келтирилмаган

Мамлактнинг ташқи қарзи унинг савдо баланси дефицитидан далолат беради. Одатда, давлат ташқи савдодаги дефицитини ёпиш мақсадида қарз олишга мажбур бўлади.

2-жадвал

Қопланмаган харидлар ва қарзлар(млн.СДР)<sup>‡‡</sup>  
Financial position of the Fond as of Marchn 31, 2017

<sup>‡</sup> Theopenasia.net

<sup>§</sup>[http://www.easypdfcombine.com/index.jhtml?partner=^BSB^xdm071&pkw=default&adfi=&adti=aud-](http://www.easypdfcombine.com/index.jhtml?partner=^BSB^xdm071&pkw=default&adfi=&adti=aud-180116204489&adm=&adn=d&add=c&adc=194499026542&adt=boomuserlist%3A%3A382561509&ada=&adap=none&adp=countrymeters.info&gclid=CMv01Mef7dMCFV4tGQod5VsG1w)

180116204489&adm=&adn=d&add=c&adc=194499026542&adt=boomuserlist%3A%3A382561509&ada=&adap=none&adp=countrymeters.info&gclid=CMv01Mef7dMCFV4tGQod5VsG1w

\*\* [theopenasia.net/articles/detail/kto-v-tsentrалnoy-azii-bolshe-vsekh-dolzhen/](http://theopenasia.net/articles/detail/kto-v-tsentrалnoy-azii-bolshe-vsekh-dolzhen/)

<sup>††</sup>[http://www.easypdfcombine.com/index.jhtml?partner=^BSB^xdm071&pkw=default&adfi=&adti=aud-](http://www.easypdfcombine.com/index.jhtml?partner=^BSB^xdm071&pkw=default&adfi=&adti=aud-180116204489&adm=&adn=d&add=c&adc=194499026542&adt=boomuserlist%3A%3A382561509&ada=&adap=none&adp=countrymeters.info&gclid=CMv01Mef7dMCFV4tGQod5VsG1w)

180116204489&adm=&adn=d&add=c&adc=194499026542&adt=boomuserlist%3A%3A382561509&ada=&adap=none&adp=countrymeters.info&gclid=CMv01Mef7dMCFV4tGQod5VsG1w

<sup>‡‡</sup> <http://www.imf.org>

	Мамлакатлар	Қопланмаган харидлар ва қарзлар(млн.СДР)
1	Ўзбекистон	-
2	Қозоғистон	-
3	Қирғизистон	137.66
4	Тожикистон	79.60
5	Туркманистон	-

Қопланмаган қарзлар(халқаро валюта фонди) ҳажми бўйича Қирғизистон ҳудуддаги асосий ўринни эгаллайди.

Учинчи муаммо

Тадбиркорлик учун яратилган шароит даражасининг турли хиллиги.

Буни “Doing business-2017” бизнесни юритиш рейтинг кўрсаткичларидна кўриш мумкин.

3-жадвал

“Доинг бусинесс-2017” бўйича МО мамлакатларининг рейтинг кўрсаткичи<sup>§§</sup>

	Мамлакатлар	Рейтинг
1	Ўзбекистон	87
2	Қозоғистон	35
3	Қирғизистон	75
4	Тожикистон	128
5	Туркманистон	

4-жадвал

Халқаро савдо бўйича МО мамлакатларининг “Doing business 2017” даги рейтинг кўрсаткичлари(ўрин)


Мамлакатлар	Рейтинг	Халқаро савдо	Экспорт вақти	Экспорт нархи	Импорт вақти	Импорт нархи

<sup>§§</sup> <http://Russian.doingbusiness.org/data/exploreeconomies>



1	Ўзбекистон	4	165	112	278	111	278
2	Қозоғистон	2	119	133	574	2	0
3	Қирғизистон	1	79	20	445	37	552
4	Тожикистон	3	144	75	313	108	223
5	Туркманистон***	-	-	-	-	-	-

“Doing business 2017” даги “Халқаро савдо” кўрсаткичини таҳлил қилганимизда Қирғизистон-79, Қозоғистон-119, Тожикистон-144, Ўзбекистон-4165 позицияларларни яъни Қирғизистон-1, Қозоғистон-2, Тожикистон-3, Ўзбекистон-4 ўрнларни эгаллаганини кўришимиз мумкин. Бунга асосий сабаб экспорт вақти ва харажатининг кўрсаткичларидир. Экспорт вақти яъни Қирғизистон-20, Қозоғистон-13, Тожикистон-75, Ўзбекистон-112 соатни, экспорт харажати яъни Қирғизистон-445, Қозоғистон-574, Тожикистон-313, Ўзбекистон-278 АҚШ долларини ташкил этган. Халқаро савдо рейтингида юқори позицияни эгаллаш экспорт вақтига боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Қирғизистон ва Тожикистоннинг кўрсаткичлари Жаҳон савдо таашкилотининг талабларига мослаштирилганини айтишимиз мумкин.



\*\*\* Ушбу рейтингда Туркманистоннинг маълумотлари келтирилмаган

1-диаграмма. “Doing business 2017” даги “Халқаро савдо” кўрсаткичи Марказий Осиё мамлакатларида<sup>†††</sup> Ўзбекистон учун МО иқтисодий интеграциясида иштирок этишнинг қулай томонлари:

1. Ўзбекистоннинг денгизга чиқиш имкониятларининг, яъни транспорт коридорларининг МО мамлакатлари орқали ўтиши.

2. Арзон энергия манбаларига эга бўлиш имконияти;

3. Қозоғистон орқали Россия ва Беларусия ҳамда Хитойга чиқиш имкониятининг кенгайиши;

4. Бундан ташқари “Марказий Осиёнинг марказида жойлашган калит мамлакат” лик ролининг кучайишига олиб келади.

Юқоридаги муаммоларни ечиш ва иқтисодий интеграциянинг икки томонлама кўринишидан кўп томонлама келишувга ўтиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Глоблалашув шароитида ҳеч бир мамлакат бир-биридан айро ҳолда ривожлана олмайди. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун, нафақат, ички имкониятларидан унумли фойдаланиши, балки ташқи молиявий ресурсларни ҳам иқтисодиётнинг турли тармоқларига фаол жалб қилиши лозим.

Шу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Қозоғистон ва Туркменистон давлатларидаги ташрифига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидагиларни кўраимиз:

1. Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2017-2019-йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон

---

<sup>†††</sup> <http://Russian.doingbusiness.org/data/exploreeconomies>

Республикаси ўртасида ҳудудлараро ҳамкорлик тўғрисидаги битим улар орасида алоҳида аҳамиятга эга.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Қозоғистонга ташрифи давомида Остона шаҳрида Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Бизнес-форумда Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг 500 дан ортиқ ишбилармонлари иштирок этди. Уларнинг яқунлари бўйича умумий қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлган савдо шартномалари ва инвестициявий битимлар имзоланди.

Мамлакатимизда Қозоғистон капитали иштирокида тузилган қарийб 230, Қозоғистонда Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 130 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.

2016-йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард долларни ташкил қилган. Бу мавжуд салоҳиятга мос келмаслиги, савдо айланмасини камида икки баробар ошириш имконияти борлиги алоҳида таъкидланди. Мамлакатларимиз иқтисодиёти рақобат қилмайди, аксинча, бир-бирини тўлдиради. Бунинг учун ҳукуматлараро комиссия ва қўшма савдо уйлари фаолиятини кенгайтириш, янги таъминот бозорлари ташкил этиш зарурлиги қайд этилди. <sup>###</sup>

2. Транспорт соҳаси ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркменистонга, Туркменистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобил ва темир йўллари

---

<sup>###</sup> <http://www.press-service.uz/uz/news/5553/>

учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббусининг амалий ифодаси бўлган Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Уммон халқаро транспорт-коммуникация коридорини барпо этиш бўйича 2011-йили имзоланган битим геостратегик аҳамиятга эгадир. Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи доирасида очиладиган Амударё устида қурилган автомобил ва темир йўл кўприклари мазкур транспорт йўлагининг муҳим қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам углеводород ресурсларига бой. Уларни экспорт қилиш ўзаро мувофиқ ҳаракат қилишни талаб этади. Ана шундай яқин ҳамкорлик мамлакатларимиз учун энергетика йўналишларини диверсификация қилиш ва жаҳон бозорларига чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда. 2009-йилда ишга тушган Туркменистон – Ўзбекистон – Қозоғистон – Хитой газ қувури бунинг ёрқин мисолидир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Туркменистонга ташрифи чоғида ҳамкорликнинг янги йўналишларини ишга солиш, савдо-иқтисодий алоқалар қамровини кенгайтириш, ҳудудларнинг тўғридан-тўғри ҳамкорлигини ривожлантиришга келишиб олинди.<sup>§§§</sup>

Ҳар икки мамлакат билан олиб борилган савдо-иқтисодий келишувлар келажакда Ўзбекистон-Қозоғистон ва Ўзбекистон-Туркменистоннинг чеградош вилоятларида трансчегаравий эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва ўзаро келишувларга эришилса, ҳар уччала мамлакат ҳудудида бундай йирик трансчегаравий эркин

---

<sup>§§§</sup> <http://www.press-service.uz/uz/news/5525/>

иқтисодий ҳудудни ташкил этиш имконияти бизда мавжуд бўлади.

Хориж тажрибасида трансчегаравий эркин иқтисодий ҳудудлар Хитой-Жанубий Корея-Япония ҳудудларида ва Ғарбий Европа ҳудудида қўлланилган бўлиб, самара олиб келган. Иқтисодий интеграцион жараёнларни тезлаштириш мақсадида МО ҳудудида трансчегаравий эркин иқтисодий ҳудудини ташкил этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз қуйидагиларни тавсия этамиз:

Туркманистон ва Ўзбекистон чегараларидаги вилоятлар Дашагуз-Шовот;

Ўзбекистон ва Қозоғистон чегараларидаги вилоятлар Чирчиқ-Сариагаш трансчегаравий эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш.

Бундай трансчегаравий эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши қуйидаги имкониятларни яратади:

1. Мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлиги ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади;
2. Қозоғистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо эканлигини ҳисобга олсак, у орқали арзон импорт хом-ашёга эга бўлишимиз ва миллий маҳсулотларни четга экспорт қилишимиз учун кенг имконият яратилади;
3. Туркманистон орқали Эроннинг Бандар-Аббос портига чиқиш имконияти тадбиркорларимиз учун яратилади.

Жумладан, савдо-транзит ҳудудини ташкил этиш мамлакатимизда “комплекс” яъни автомобил-темир-йўл транспортини ўзида жамловчи логистика марказини ташкил этиш, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Шимолий-Шарқий Африка мамлакатларига олиб борилаётган юкларнинг транзит ҳудуди орқали

хавфсиз ва тезкор ташилиш имконини беради; омбор ва улгуржи савдо дўконларининг ташкил этилиши эркин савдо ҳудудларининг ривожланишига, аҳолининг иш билан бандлик даражасининг ва яшаш даражасининг ошишига имконият яратади.

Эркин индустриал ҳудуд ташкил этиш орқали хорижий капитал иштирокидаги ҳар икки мамлакатнинг хом-ашё потенциалидан унумли фойдаланадиган ишлаб чиқариш корхонларининг ташкил этилиши, инвестицион ҳудуднинг вужудга келиши учун кенг имконият яратади.

2. Жанубий- Шарқий Осиё мамлактлари тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, минтақадаги Сингапур, Малайзия сингари иқтисодий жиҳатдан кучли мамлакатларнинг Индонезия, Мянма, Камбоджа сингари иқтисодиёти заиф мамлакатларга иқтисодий-молиявий кўмак берганини, йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштирганини кўришимиз мумкин. Шунинг ҳисобга олган ҳолда Қозоғистон ва Ўзбекистон сингари иқтисодиёти тезкорлик билан ривожланаётган мамлактларнинг Қирғизистон ва Тожикистон сингари саноати асталик билан ривожланаётган мамлакталарга инвестицион кўмак бериши лозим деб, ҳисоблаймиз.

3. Трансчегаравий дарёлар Тожикистон ва Қирғизистон тоғларидан оқиб, бутун Марказий Осиёни сув билан таъминлаганин бу тарихий фактдир. Ушбу тртансчегаравий дарё сувларидан тўғри ва тенг фойдаланиш мақсадида иқтисодий интеграция доирасида шартномаларни имзолаш.

Бир сўз билан айтганда, МО ҳудудида иқтисодий интеграциянинг ташкил этилиши(ҳеч бўлмаганда божхона иттифоқининг кўп томонлама шартнома асосида тузилиши) минтақадаги иқтисодий, ижтимоий, географик-экологик, сиёсий

муаммоларнинг ижобий ҳал этилишида муҳим рол ўйнайди. Наҳотки, тарихан ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни олиб борган давлатлар, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти сингари “ўсиб бораётган” организмларда ягона мақсад сари интилаётган мамлакатлар бугун ягона иқтисодий манфаат йўлида бирлаша олмайдими?!

#### References / Фойдаланилган адабиётлар/ Литература

1. Дадабаева З.А., Кузьмина Е.М. Процессы регионализации в Центральной Азии: проблемы и противоречия: Научный доклад. - М.: Институт экономики РАН, 2014. - 55 с, стр. 17.
2. Страны Кавказа и Центральной Азии. Международный Валютный Фонд | Октябрь 2016
3. Национальных статистических органов, World economic Outlook Международного валютного фонда. Источник: <http://www.imf.org/external/country/>
4. Основные интеграционные торговые объединения мира: цели и перспективы развития. (информационно-аналитическая записка). М.: 2014 год
5. Sahay, R., M. Cihak, P. N'Diaye, A. Barajas, R. Bi, D. Ayala, Y. Gao, A. Kyobe, L. Nguyen, C. Saborowski, K. Svirydzenka, and S. Yousefi. 2015. "Rethinking Financial Deepening: Stability and Growth in Emerging Markets." IMF Staff Discussion Note 15/08, International Monetary Fund, Washington, DC.
6. <http://www.популационпйрамид.нет/>
7. <http://www.populationpyramid.net/>
8. [theopenasia.net/articles/detail/kto-v-sentralnoy-azii-bolshe-vsekh-dolzhen/](http://theopenasia.net/articles/detail/kto-v-sentralnoy-azii-bolshe-vsekh-dolzhen/)
9. <http://www.imf.org>

10. <http://Russian.doingbusiness.org/data/exploration/economies>
11. <http://www.press-service.uz/uz/news/5553/>